

---

## Фурқат туманида “Маданият кунлари” доирасида дам олиш кунлари ҳар бир маҳаллада концерт дастурлари ўтказилмоқда

Вилоят ҳокимининг 2023 йил 8 майдаги “Фарғона вилоятида миллий маданиятни янада ривожлантириш, аҳолини маданият ва санъатга бўлган қизиқишларини янада ошириш ҳамда аҳоли ва ёшларни маданий дам олишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан, Фарғона вилоятида ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари “Маданият кунлари” этиб белгиланган.

Шу муносабат билан Фурқат туманида ҳам аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказилишини таъминлаш ва уларга кўтаринки кайфият улашиш мақсадида "Маданият кунлари " доирасида кечки оммавий-маданий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Жумладан ҳафта давомида "Чеккўприк", "Янги", "Эшон", "Кўкдўппи", "Шунқор" маҳаллаларида кечки оммавий-маданий тадбирлар ўтказилди.

Тадбирларда туман маданият ва туризм бўлимининг санъаткорлари, ижодий жамоалари хизмат кўрсатиб келмоқда. Тадбирда иштирок этган аҳоли вакиллари, ёшлар, онахонлар ўз мамнунликларини изҳор этиб, маданий хордиқ олмоқда.

Белгиланган режа-графикка асосан ушбу кўнгилочар концерт дастурлари ҳар бир маҳаллада ўтказилиши режалаштирилган.

2023-06-16 16:30:49